Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 21 октябрь, пайшанба • № 123 (25.518).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АҚШда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ шу йил 2-12 ноябрь кунлари Америка Қўшма Штатларида «Ўзбекистон маданияти ҳафталиги» ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги маданий, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, миллий маданият ютуқларини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур ҳафталикда мамлакатимизнинг қадимий тарихини ва мустақиллик давридаги бунёдкорлик ишларини акс эттирувчи «Буюк ипак йўли» бадиий кўргазмаси, «Усто» бирлашмаси ва «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази аъзоларининг халқ амалий санъати асарлари намуналари савдо-кўргазмаси уюштирилади. Америкалик санъат мухлислари, шунингдек, ўзбек миллий фольклор санъатидан ҳам баҳраманд бўлади.

— АҚШда ўтадиган Ўзбекистон маданияти ҳафталигида мамлакатимиз рассом ҳамда ҳайкалтарошлари ҳам ўз асарлари билан қатнашади, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси бош илмий котиби, академик А.Ҳакимов. — Кўргазма 8 ноябрь куни Филадельфия шаҳрининг Пенсильвания университети ҳузуридаги машҳур Артур Россе галереясида очилади. Америкалик санъат мухлислари Чингиз Аҳмаров, Акмал Икромжонов, Собир Рахметов, Акмал Нуриддинов, Йигитали Турсунназаров каби таниқли рассомларимиз, Илҳом Жабборов, Туркман Эсонов, Улуғбек Мардиев сингари ҳайкалтарошларимизнинг турли мавзу ва жанрларда яратган асарлари билан танишади. «Буюк ипак йўли»да, шунингдек, ҳозир Академия Марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида» фотосуратлар кўргазмасини ҳам намойиш этишни мўлжаллаяпмиз. Кўргазма Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида 2000 йил 15 январга қадар давом этади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

Адиблар даврасида

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида забардаст ёзувчи, Қирғизистон Қаҳрамони Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориповлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Баҳодир Қосимов олиб борди. Чингиз Айтматов асарлари дунёнинг ўнлаб давлатларида таржима қилиниб, севиб ўқилаётгани, у киши ҳаммамизнинг фахримиз эканини айтиб ўтди.

Чингиз Айтматов йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, шу кунларда республикамизда сайловларга тайёргарлик қизғин давом этаётгани, ҳуқуқий демократик тамойилларга тўла амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади. «Дунёнинг кўпгина давлатларида бўлдим, бироқ Ислом Каримовдек ғамхўр, доно сиёсатчи раҳбарни кўрмадим, унга муқобил бўла оладиган шахсни тасаввур ҳам қила олмайман», — деди Чингиз Айтматов.

Абдулла Орипов учрашув ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтганлиги, бундай тадбирлар ҳар томонлама фойдали эканлигини таъкидлади. Адиблар учрашув қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб беришди.

Азамат СУЮНОВ

Резолюция қабул қилинди

БМТ Хавфсизлик кенгаши терроррчиликка қарши курашни янада кучайтириш ва ташкилот раҳнамолигида бу борадаги ишларни умумдунёвий миқёсга чиқариш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди. Хавфсизлик кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, мамлакатлар ҳамда халқлар осойишталигига таҳдид солаётган терроррчиликнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди, дейилади бу ҳақдаги ҳужжатда.

Шунингдек, Хафвсизлик кенгаши дунё мамлакатларини халқаро терроррчиликка қарши кураш борасидаги конвенцияга қўшилиш, ундаги меъёрларга қатъий риоя қилиш ва мазкур иллатга қарши давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга даъват қилди.

Операция муваффақиятли якунланди

Германия полициясининг ўтган куни Истанбулдан ўғирлаб кетилган самолётни озод қилиш борасида ўтказган операцияси муваффақиятли якунланди. Мазкур самолёт Миср ҳаво йўллари компаниясига тегишли бўлиб, ГФРнинг Гамбург шаҳрига қўнган эди. Шаҳар полиция бошқармаси вакили Ҳанс-Юрген Петерсеннинг журналистларга маълум қилишича, самолётда 48 йўловчи ҳамда олти нафар экипаж аъзоси бўлган ва уларнинг ҳеч қайсиси жабрлангани йўқ.

Экипаж аъзоларининг гувоҳлик беришича, терроррчилар учувчиларни самолётни Гамбург аэропортига қўндиришга мажбур қилган ва бу ерда самолётга ёқилғи қуйиб, сўнгра Лондон йўналиши бўйича учишни режалаштирган. Бироқ немис полициясининг қарши ҳаракати бунга тўсқинлик қилди. Ҳозир терроррчиларнинг шахси аниқланмоқда.

Толибонлар чекинмоқда

Аҳмадшоҳ Масъуд бошчилигидаги қўшинлар сўнгги кунларда муваффақиятли ҳужумлар уюштириб қатор ҳудудларни толиблардан қайтариб олди.

Хабарда айтилишича, Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари тунда қўққисдан ҳужум уюштирган ва Имомсоҳиб, Дашти-Арчи шаҳарлари ҳамда Қизилқалъа портидан душманни ҳайдаб чиқарган. Шунингдек, Шимолий иттифоқ кучлари Хўжагар ва Ҳазорбоғ шаҳарларини ҳам толиблардан тозалаган.

Андижоним — ифтихорим

Ўзбекистондай келажаги буюк мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаётган гўшаси — Андижоннинг танти ва мард пахтакорлари эришган меҳнат муваффақияти қалбимга қувонч бахш этди. Андижонлик деҳқонлар 310 минг тонна пахта топшириб, шартномавий режани мамлакатда биринчи бўлиб бажарган кун шодиёнага айланди. Улар эл-юрт олдида берган ваъдаларини бажариб, олқишларга сазовор бўлдилар. Юртбошимизнинг андижонлик миришкорлар муваффақияти муносабати билан йўллаган қутлови кўнгилларга жўшқинлик бахш этди. Янги марралар сари руҳлантирди.

Она-Ватан — Ўзбекистоннинг мўъжаз макони — Андижонда амалга оширилган ибратли ишларни санаб адоғига етиш қийин. Пахтакорлар уйган «оқ олтин» хирмонлари Тянь-Шанларга тенгдек. Автомобилсозлар тайёрлаган автомобиллар бугун хорижда ҳам муносиб харидорини топмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан бунёд этилган Хўжаобод ер ости газ омборининг «тафти» юзлаб хонадонларда сезиляпти.

Андижоннинг ўн тўрт тумани таърифи бир-биридан қолишмайди. Ўн тўрт чаман мисоли ўзига чорлайди. Одамлари меҳнаткаш, раҳбарлари тадбиркор, ёшлари шижоатли, кексалари бағри кенг. Қишлоғу маҳаллалардаги маслаҳатли тўйлар, тикланаётган муҳташам бинолар, ўстирилаётган гул, кўчатлар, гўзал ва обод гузарлар, деҳқонларнинг далалардаги ибратли меҳнати, корхонаю ташкилотларда янгиликка интилиш, ўқув-тарбия масканларидаги изланишлар барчанинг якдиллиги самараси.

Иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш учун сидқидилдан ишлаётган меҳнаткашлар ҳар соҳада изланишларни изчил амалга оширяптилар. Вилоятда бошланган чигитни плёнка остига экиш усули мамлакат миқёсида кенг ёйилди. Андижонлик пахтакору, мутахассислар бу борадаги янгиликларни давом

Пахта — 99

эттириб, пахтачиликда тажрибаларини давом эттиришяпти. Бу йил Шаҳрихон туманидаги академик Т. Саримсоқов номли, «Бўстон» ширкат хўжалигида, Асака туманидаги «Ғалаба» ва бошқа қатор хўжаликларда пахтанинг эртапишар, ҳосилдор янги навлари экилиб, парваришланди. Натижа чакки бўлмади, ҳосилдорлик ортди.

Шаҳрихондаги «Бўстон» ширкат хўжалиги далаларини айланганимизда кекса деҳқон дилидагини дангал айтди.

— Янги «Армуғон» пахтаси еримизбоп экан. Қаранг, ғўзалар серҳосиллигидан бири-бирига тиялиб қолди. Янги навни экиб ютдик.

Деҳқонларнинг дунёқараши, янгича фикрлашидан кўнглим кўтарилди. Уларда изланиш, интилиш бор. Деҳқончиликда бўстонликларнинг доим қўли баланд келиши ҳам янгиликка йўлдош эканликларидан десак, янглишмаймиз.

Эртапишар янги пахта навларининг ўстирилиши пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликнинг ҳам ривожланишига имкон яратяпти. Бугунга келиб, илғор ширкат, жамоа хўжаликлари деҳқонлари ҳосилдан бўшаган майдонларни буғдой экишга тайёрлаб бўлдилар. Пахтанинг қисқа фурсатларда саранжомланиши эвазига дон экишга замин ҳозирланди.

Андижонликлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бир қаторда бошқа соҳаларни ҳам юксалтиришга астойдил киришганлар. Шаҳрихондаги «Ривож-Тяньжин» ўзбек-хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган электродлар ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам харидоргир бўлмоқда. Ишбилармонлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги учун савобли ишларни бажаряпти. «Ривож-Тяньжин» қўшма корхонасининг раҳбари, Комилжон Отахонов Шаҳрихон шаҳридаги 2-мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширгани унинг саховатпешалигидан далолатдир.

Юрт равнақига ҳисса қўшиш ҳар бир андижонликнинг кўнгил муддаосига айланган. Режа бажарилган бўлса-да вилоятда йиғим-теримнинг жадал давом эттирилаётгани бунинг далили. Андижоннинг улкан «оқ олтин» хирмонига барака қўшиляпти. Бир сўзли андижонлик танти пахтакорлар янги марраси ҳам эгаллашлари аниқ. Уларнинг шижоатли ҳаракати бунга кафолатдир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллатни бирлаштирувчи байроқ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов "Тафаккур" журнали бош муҳаррири билан суҳбатда миллий ғояни халқни, миллатни бирлаштирувчи байроқ, деб таърифлади. Ушбу ғоянинг мазмунмоҳиятини қандай тушуниш керак? Унинг маънавият ва мафкура билан қандай боғлиқлиги бор? Миллий ғоянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти нимадан иборат? — каби кўплаб саволлар куни кеча ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ўтказилган, "Миллий ғоя — мустақил Ўзбекистон тараққиётининг қудратли омили(фалсафий-ҳуқуқий қирралар)" мавзуидаги илмий-назарий анжуман қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Унда маъруза қилган фалсафа фанлари доктори А.Жалолов, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ.Бобоев, ЎзР ФА мухбир-аъзолари С.Шермуҳаммедов, Ҳ. Раҳмонқулов, профессор И.Рахимов, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди А.Турсунов, шунингдек, музокараларда сўзга чиққан ЎзР ФА мухбир-аъзоси А.Валиев, фалсафа фанлари докторлари Қ.Назаров, Ҳ.Холматова, М.Абдуллаева, Қ.Хоназаров, Б.Каримов, Ф.Абдураҳмонов ва бошқалар миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт, миллий ғоянинг мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун аҳамияти, миллий ғоя ва миллий мафкура, миллий ғоя ва маънавий янгиланиш муаммолари, миллий ғоя ва мулкий муносабатлар масалалари каби кўплаб мавзулар юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларининг дастлабки натижалари, ўзларининг хулосалари билан анжуманда тўпланганларни таништирдилар ва таклифлар киритдилар.

Анжуман мазкур мавзуни ҳар томонлама ўрганиш ва илмий ишланмаларни амалий ишларга татбиқ этиш йўлидаги ўзига хос бир босқич бўлди.

С. ШЕРАЛИЕВ



Қўш гўзаллик — қўш чирой
Шаҳрим бунча хушчирой...

Владимир Панов олган сурат

Ўзбек кураши

Германия кураш бўйича ўтказиладиган «Президент совғини» учун халқаро мусобақа олдидан

Полвони бор юрт полвон бўлар,
Полвонсиз юртда армон бўлар.
Полвондан зўр келса полвони,
Халқининг белига дармон бўлар.

Оллоҳ рисқни ҳар хил улашар,
«Кураш»да асл мардлар курашар.
Кураш тушса ўзбек полвони,
Не полвонлар тоғдай қулашар.

Насли Алпомиш азалдан биз,
Момо Барчиной гўзалдан биз.
Рақиб кўкрагин ер тишлатган,
Алплар Ватани бўз элдан биз.

Тилимиз ҳам танилди дарҳол,
Дакки, танбеҳ, ёнбош ва ҳалол.
Ҳавас қилинг ўзбек кураши,
Жаҳон бўйлаб кезар бемалол.

Аюбхон МУҲАММАД

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Аждодлар хотираси муқаддас!»

Газетанинг шу йил 4 март сонида чоп этилган «Аждодлар хотираси муқаддас!» сарлавҳали мақола туман ҳокимлиги мажмуалари, мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари вакиллари иштирокида муҳокама қилинди.

Мақолада тилга олинган тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган ёдгорликдан ўрин олган барча собиқ тузум рамзлари олиб ташланди, ёдгорлик майдонида кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бўлиб ўтган йиғилишда ушбу ёдгорлик майдонини кенгайтиришга, уни миллий архитектура асосида қайта таъмирлаш ва ўзига хос гўзал зиёратгоҳ, тарбия масканига айлантиришга келишилди.

О. МАТНАЗАРОВ,
Хонқа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари

Жаҳон ҳамжамияти зўравонлик ва терроризмга қарши

Терроризм халқаро тус олиб, инсоният учун жуда жиддий хавфга айланаётганидан жаҳон ҳамжамияти қаттиқ ташвишланмоқда. Терроррчилар ва уларнинг шериклари зўравонликнинг барча турини ишга солиб, бу билан давлатларнинг конституциявий тузумига хавф солмоқда, инсоннинг асосий ҳуқуқларини поймол этмоқда, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига таҳдид қилмоқда ёки уларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Афсуски, терроррчи гуруҳлар ва наркотик моддалар, қурол-яроғлар билан савдо қилувчилар ҳамда уларнинг зўравонликнинг ҳар қандай турини ишга солаётган ярим ҳарбий каллакесарлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайиб бораётганлиги ҳақиқатдир. Барча соғлом фикрловчи кишилар халқаро терроррчилик ҳаракатларига чек қўйиш халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришнинг энг муҳим омили эканига ишонадилар.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳамжамият халқаро терроризмнинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларини тугатишга қатъий аҳду-паймон қилган.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 19 октябрда терроризмга қарши кураш чораларини маъқуллади. Шу масалага доир резолюцияни қабул қилиш учун Хавфсизлик Кенгаши 15 аъзосининг ҳаммаси овоз берди. Кенгаш қабул қилган резолюция миллатлар ҳамжамиятининг терроризмга қарши курашнинг асосий йўналишларини белгилаб берган ўзига хос манифести эканини таъкидлаш лозим. Бу чоралар орасида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро конвенцияларни универсаллаштириш, давлатлар, маҳаллий ташкилотларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, фуқароларни ҳимоялаш ишида ўзаро ёрдам бериш, терроррчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бундай ҳаракатларни тергов қилиш ва уларни содир этишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш каби чоралар бор. "Терроррчиларга бошпана берилишига йўл қўйиб бўлмайди, ҳамма жойда улар оёғи куйгандек питирлаши керак. Дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлаётган ваҳшиёна терроррчилик ҳаракатлари, одамларни гаровга ушлаб туриш ва БМТ ходимларига ҳужум қилиш, терроррчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва маблағ билан таъминлашнинг чегара билмайдиган каналларининг пайдо бўлгани терроризмга қарши муросасиз курашни кучайтириш зарурлигига ишонтирмоқда", — дейди БМТ дипломатлари.

Бир неча кун олдин, 15 октябрда эса БМТ Хавфсизлик Кенгаши «Толибон» ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жорий этиш тўғрисида» ги резолюцияни якдиллик билан қабул қилди. Ҳужжатда Хавфсизлик Кенгаши толибларга Усама бин Лоденни унга расмий айблов эълон қилган мамлакат маъмуриятига ёки қамоққа олиниб, одил судлов олдида жавоб берадиган мамлакат маъмуриятига дарҳол топшириш тўғрисидаги талаби баён қилинган.

Эслатиб ўтамиз, халқаро терроррчи Усама бин Лоден ва унинг тарафдорлари 1996 йилда АҚШнинг Найроби (Кения) ва Доруссалом (Танзания)даги элчихоналарини портлатишда, шунингдек Қўшма Штатлар ташқарисидаги Америка фуқароларини ўлдириш ниятида бўлгани учун айбланмоқда.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги тегишли халқаро конвенцияларга ва хусусан, томонларнинг шу конвенциялар доирасидаги мажбуриятларига асосан «Толибон» ҳаракати терроррчиларни топширишни ёки суд йўли билан таъқиб этишни таъминлаши лозим",— дейилади БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясида.

Хавфсизлик Кенгаши «Толибон» ҳамон Усама бин Лоденга бошпана бераётганини ҳамда унга ва у билан боғлиқ одамларга толиблар назорат қилиб турган ҳудудда терроррчиларни тайёрлаш учун лагерлар тармоғини сақлаб турганлиги, халқаро терроризм ҳаракатларини ташкил этиш учун база сифатида Афғонистондан фойдаланишга йўл қўяётганини қоралайди.

Хавфсизлик Кенгаши резолюцияда қўйилган талабларни бажармасликни халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан «Толибон» номи билан машҳур бўлган ва ўзини Афғонистон Ислом Амирлиги деб атаётган афғон гуруҳи Хавфсизлик Кенгаши илгари қабул қилган резолюцияларни дарҳол бажаришни, жумладан, халқаро терроррчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана беришни ва уларни тайёрлашни тўхтатишни, ўз назорати остидаги ҳудуддан терроррчилик объектлари ва лагерларини жойлаштириш учун, шунингдек бошқа давлатлар ёки фуқароларга нисбатан терроррчилик ҳаракатларини тайёрлаш ёки ташкил этиш учун фойдаланмаслик юзасидан самарали чораларни кўриш ҳамда терроррчилик фаолиятида айбланган шахсларни жавобгарликка тортишга доир саъй-ҳаракатларга ёрдамлашишни қатъий талаб қилади.

«Толибон» раҳбарияти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорини 1999 йил 14 ноябрга қадар бажармаса, уларнинг банклардаги ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилади, Кобулга амалга ошириладиган барча халқаро авиация рейсларини тақиқлаш жорий этилади.

«БМТ барча давлатларни мавжуд ҳар қандай халқаро битим берадиган ҳуқуқларга ва зиммасига юклайдиган мажбуриятларга қарамай, мазкур резолюция қоидаларига қатъий мувофиқ равишда ҳаракат қилишга чақиради", дейилади резолюцияда. БМТ мазкур резолюцияни тўла амалга ошириш мақсадида БМТ Низоми доирасида қўшимча жазо чораларини жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳам тайёр эканини изҳор қилади.

Ҳ. МУРОДОВ,
(ЎзА)

Ногиронлар аравачаси ажратилади

Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси «Ўзбекистон овози»нинг 1999 йил 10 августда чоп этилган «Ногиронларга раҳм қилинг» дея номланган Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Э. Чўллиеванинг мақоласини ўрганиб чиқди.

Фуқаро Э. Чўллиеванинг фарзанди жорий йилнинг 4-чораги ҳисобидан вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан 1 дона ногиронлар аравачаси билан таъминланади.

З. БЕГИМҚУЛОВ,
Қашқадарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи

Деҳқонлар меҳнатидан хирмонлар тўлди

Ҳар доим ғолиблар қаторида бўлган вилоятимиз пахтакорлари зафар маррасини эгаллаганларида қувончимизга қувонч қўшилди. Чунки катта хирмонга бўзлик деҳқонлар ҳам муносиб улушларини армуғон этдилар. Йиллик марра илғорлар қаторида бажарилди.

Туманимиз ер шароитида деҳқончилик қилиш осон эмас. Ўн тўрт минг гектар суғориладиган ернинг анчагина қисми шўрланган майдонлардан иборат. Шунинг учун шўр ювишга, яхоб суви қўйишга эътибор қаратилди. Икки йилда 250 километрга яқин зовурлар тозаланди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу йўналишдаги тадбирларни бажаришда вилоят ҳокимлиги доимо мадад бериб турди. Ҳаракатлар самараси кузда билинди. Дон, пахта етиштириш ва ҳосилдорлик сезиларли даражада ортди. Бу йил туманимиз пахтакорлари ҳам, ғаллакорлари ҳам пешқадамлар қаторида шартномавий режаларни ортиғи билан бажардилар. Пахтамизнинг саксон фоиздан зиёдроғи юқори навларга топширилди. Бу даромадимизга даромад қўшади.

Хурсандчилик кунларида туманимиздаги «Ўзбекистон», Ю. Шодмонов номли, М. Жалолов номли, Улуғбек номли жамоа хўжаликлари шартномавий режаларни 110 фоиздан ошириб бажардилар. Бу туманимизнинг «оқ олтин» хирмонини кундан-кунга юксалишини таъминлаяпти. Далаларда ҳосил йиғим-терими қизғин бормоқда.

Фотимахон ИСРОИЛОВА,
Бўз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Суратларда: 1. Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли пешқадам жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Йўлдошхожи Маҳмудов пахтазорда. 2. Бу йилги йиғим-терим мавсумининг илғорларидан бўлган Шаҳрихон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг чевар теримчиси Нилуфархон Абдураҳимова тушликка ҳозирлик кўраётган пайт. 3. Олтинкўл тумани «Иттифоқ» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Илҳомжон Абдураҳмонов, бош аграном Йўлдошали Кенжаев ва бригада бошлиғи Мирзабаҳром Маҳмудовлар далада.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

Қурултойдан сўнгги ўйлар

Амалий ишлар пайти

Жорий йилнинг 8 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги III Қурултойи тарих мулкига айланди. Юксак уюшқоқлик, аҳиллик ва талабчанлик вазиятида ишлаган анжуманни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ ташвишлар ортда қолди. Қурултойнинг асосий ҳужжатлари — Марказий Кенгаш ҳисоботи, қабул қилинган қарорлар, янги таҳрирдаги партия Дастури ва тузатишлар киритилган Низоми ҳамда делегатларнинг нутқлари матнлари матбуотда босилиб чиқди. Бу билан ҳар қандай шу каби жиддий анжумандан кейин бошланадиган ўта масъулиятли, яъни унинг қарорларини ҳаётга татбиқ этиш даври бошланди.

Шу боис, Қурултой ишига баҳо беришни сиёсатчилар, тарихчи олимлар, мутахассислар, қолаверса, вақтга қолдириб(зеро, вақт — энг одил ҳакам, дейдилар), яхшиси, унинг қарорларидан келиб чиқадиган навбатдаги вазифалар хусусида фикрлашиб олсак, мантиқан тўғри бўлади. Чунки, Қурултой партия ҳаётидаги бутун бир даврга якун ясаши билан бир қаторда, унинг фаолиятининг янги босқичини бошлаб берувчи муҳим бир ҳодиса бўлди.

Агар унда қабул қилинган қарорлар ва ҳужжатларга моҳият жиҳатидан ёндошсак, унда анжуманнинг, кўпроқ, ортда қолган йўлимизга эмас, балки, олдиндаги янги босқичга қаратилган эканлигини англаш қийин эмас. Шундан келиб чиқиб, Қурултой томонидан олдинга қўйилган вазифаларни теран идрок этиб, уларни амалиётга айлантиришга киришиш кечиктириб бўлмайдиган умумпартиявий ишдир.

Шу нуқтаи назардан олганда, олдимизда турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат?

Уларнинг энг долзарби, сўзсиз, бу, — Қурултойнинг қарорлари ва ҳужжатларининг барча партия аъзолари ва унга хайрихоҳ партиясиз фаоллар томонидан чуқур ўрганиб чиқилишини ташкил этишдан иборатдир. Ҳаёт ва партия ташкилотлари томонидан тўпланган тажриба бу ишга масъулият билан ёндошиб, сафдошларимизга услубий ҳамда ташкилий кўмак кўрсатилгандагина, унинг самарали бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ҳа, Қурултой қарорларининг теран мазмуни ва катта сиёсий аҳамиятини, биринчи навбатда, ўз сафдошларимизга етказган, анжуман олға сурган ғоялар билан уларни қуроллантирган тақдирдагина, мазкур ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мумкин бўлади. Бошқача айтганда, ҳаракат мақсад-муддаосининг ижрочилар томонидан идрок этилиши, пировард натижада, унинг муваффақиятли якунланишини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Қурултой делегатлари қандай масалаларни муҳокама қилдилар, улар юзасидан қандай қарорлар қабул қилинди, уларнинг асосий мазмуни ва моҳиятининг партиямиз, жамиятимиз учун аҳамияти нимадан иборат, каби масалаларни ўрганиб чиқиш ҳар бир партия аъзосининг ўта муҳим вазифасидир. Шунингдек, анжуманда қабул қилинган янги тахрирдаги Ўзбекистон ХДП Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомини пухта ўрганиш, уларнинг қоидаларини ўзлаштириб олиш ҳам пайсалга солиб бўлмайдиган муҳим ишлар сирасига киради.

Қурултой партиямиз Дастурида баён этилган ғояларни рўёбга чиқариш нафақат Ўзбекистон ХДП аъзоларининг, балки, бутун халқимизнинг саъй-ҳаракатларини талаб қилишини таъкидлаб, барча ватандошларимизни ушбу умумхалқ ишига фаол иштирок этишга даъват этди. Шундай экан, аҳоли турли қатламларини ҳам Қурултой қарорлари ва Ўз ХДП Дастури мазмун-моҳияти билан таништириш талаб этилади. Бундан, партия ташкилотларининг яна бир долзарб вазифаси — Қурултой ашёларини кенг тарғиб қилиш зарурати келиб чиқади.

Бу ишлар ташкилотларимиз учун катта янгилик эмас. Чунки, улар партиянинг ҳар бир қурултойи ёки Марказий Кенгаш пленумларидан кейин уларнинг ҳужжатларини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини аҳоли турли табақаларига тушунтиришни уюштириш ишлари билан мунтазам шуғулланиб келаётирлар. Айни пайтда, уларнинг ихтиёрида "Маърифат" марказлари, сиёсий ва мулоқот клублари, ахборот бурчаклари, тарғиботчилар ва депутатлар гуруҳлари, айримларида ўз газеталари, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятлари борлигини ҳам унутмаслик керак.

Демак, партия ташкилотлари ихтиёрида жуда катта имкониятлар мавжуддирки, уларни ишга солмаслик, кечириб бўлмайдиган хато бўлади. Фақат, Қурултойда таъкидлангандек, мазкур тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари асосида, ҳар бир ҳудуд, меҳнат жамоаси, маҳалланинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, олиб борсак, улар кутилган натижаларни бериши мумкин. Акс ҳолда, сўзимиз одамларга етиб бормаслиги, уларнинг қалбига йўл топмаслиги, сиёсий лоқайдларни уйқудан ўйғотмаслиги мумкин. Натижада, партиямизнинг аҳолига сиёсий таъсири паст, унинг теварагида тўпланадиганлар миқдори ўзига яраша бўлади. Бундай тарғибий-ташвиқий ишларнинг бўлишидан бўлмаганлиги маъқул.

Партиямиз III Қурултойи қарорларини ўрганишни ташкил қилиш ва оммалаштиришга қаратилган фаолиятимизнинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг сайловолди мавсуми билан устма-уст келишидир. Демакки, мазкур ишларни бир вақтнинг ўзида, уйғун олиб бориш тақозо этилади. Ушбу вобасталикдан келиб чиқиб, Қурултой ёки сайлов мавзусига бағишлаган ҳар бир суҳбат, маъруза, мулоқот ё мақолада ҳар иккала масалани ёритиш айни муддаодир. Зеро, бир томондан, Қурултой сайлов масалаларига алоҳида эътибор берди, партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатди ва сайловолди сиёсий ҳужжатни қабул қилди, мамлакатимизнинг барча фуқароларини партиямиз вакилларини қўллаб-қувватлашга даъват этди. Иккинчи томондан, ХДП Дастурида илгари сурилган мафтункор ғояларнинг амалга оширилиши, аввалбошдан, партиямиз номзодларининг сайловлардаги муваффақиятига боғлиқ. Шундай экан, партия ташкилотлари аҳоли орасидаги тушунтириш, ташвиқотчилик ишларини, шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Қурултой қарорларини ўрганиш ва оммалаштириш қанчалик муҳим бўлмасин, уларни ҳаётга татбиқ этиш янада муҳимроқдир. Пировард натижада, уларни ўрганишдан мақсад ҳам шу-да!

Марказий Кенгашнинг Қурултойдаги сиёсий ҳисоботида бу соҳадаги вазифалар жорий ва яқин истиқболдаги ишларга ажратилган. Уларнинг биринчиси доирасига партиянинг мамлакатимиздаги белгиланган сайловларда иштироки билан боғлиқ масалалар кирса, иккинчиси, бу — ХДП Дастурида баён этилган ижтимоий-сиёсий вазифалардир. Агар, биринчи галдаги вазифаларни бажариш 3-4 ойлик вақт билан чегараланса, кейингиларни уддалаш учун узоқ муддат талаб қилинади. Шунингдек, истиқболдаги вазифаларни рўёбга чиқариш партиянинг бўлажак сайловларда муваффақият қозонишига, кўп жиҳатдан, боғлиқ эканлиги инобатга олинса, бугунги кунда бутун куч ва имкониятлар шу муваффақиятни таъминлашга қаратилиши заруратини тушуниш қийин эмас.

Сайловолди мавсуми ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Ташкилотларимизнинг сайловлардаги иштироки сайлов комиссиялари томонидан расман тан олинди. Барча даражалардаги ҳокимият вакиллик идоралари депутатлигига партиямиздан номзодларни кўрсатиб бўлинди. Энди-ликда, уларнинг сайловолди дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳадемай, уларни сайловчиларга тақдим этиш ва қўллаб-қувватлашга чорлаш, яъни ташвиқ этиш, бошланади. Сайловолди ташвиқотининг бошланиши Ўзбекистон ХДПнинг саккиз йиллигига тўғри келмоқда. Анъанага кўра ушбу воқеага бағишлаб, жойларда турли оммавий тадбирлар ўтказилади, партиямиз вакилларининг одамлар билан кўплаб учрашувлари бўлиб ўтади. Уларда йиғилганларга партия III Қурултойи қарорлари ва унинг Дастури ҳақида сўзлаб берилса, унинг ғояларининг халқчиллиги очиб берилса, айни муддао бўлур эди.

Барча ташкилотларимиз шу ишларга тайёрмилар? "Маърифат" марказларимиз, сиёсий клублар, тарғиботчилар гуруҳлари олдига аниқ мақсадли вазифалар қўйилдими? Фаоллар, ташкилотчи ва ташвиқотчиларга услубий кўмак бериш ишлари қай аҳволда? Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш муаммолари ечимини топмоқдами?

Хуллас, сайловолди юмушлар партиямиз барча тузилмалари, барча бўғинларининг энг долзарб, жуда муҳим ва ўта зарур вазифалари ҳисобланади. Улар билан астойдил шуғулланиш — барча ташкилотларимиз, фаолларимиз, ҳар бир партия аъзосининг жонажон иши! Ҳеч бир сафдошимиз, ҳаттоки, фахрийлар ва уй бекалари ҳам, ундан четда қолмасликлари керак.

ХДПнинг ҳар бир онгли аъзоси, унга хайрихоҳ дўстларимиз бу умумпартиявий ишга ўз улушларини қўшсаларгина, биз кўзланган мақсадга эриша оламиз. Ўшанда юзимиз ёруғ, дастурий ғояларимизни амалга ошириш учун имкониятларимиз кўпроқ бўлади.

Келинг, дўстлар, партиямизнинг III Қурултойи белгилаган тақдиршумул вазифаларни адо этиш учун белимизни маҳкам боғлаб, астойдил ва самарали меҳнат қилайлик!

«Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганлигига ўн йил тўлди

Тил байрами – дил байрами

Тил байрами кунида ҳали қалбимизда очилмаган ғунчалар очилади, ёзилмаган шеърлар ёзилади, айтилмаган қўшиқлар куйланади, ушалмаган орзулар ушалади... Бу байрам ўзлигини англаган ҳар бир ўзбекка, диёримизда яшаб, истиқомат қилаётган, шу тилни, шу ватанни севган ҳар бир фуқаро қалбига олам-олам қувонч ҳадя этади.

Мана шу йил истиқлолимизнинг саккиз йиллигини нишонладик. Тилимизга Давлат тили мақомини берилганлигининг ўн йиллигини нишонламоқдамиз. Бундай бахт барча халқларга насиб этавермайди.

Севимли шоирамиз Зулфия шундай деган эдилар: «Ҳар бир инсон ўз она тилини билмай туриб, ўзга тилни ўрганиши қийин»...

Бу доно фикрни ҳаёт ҳамиша тасдиқлайди. Ҳар бир миллат ўз она тилини севмоғи, уни ардоқламоғи, у билан фахрланмоғи, уни ривожлантирмоғи лозим. Ўзбек адабий тилининг асосчиси, улуғ шоир ва мутафаккир, йирик давлат арбоби Алишер Навоий она тилимизнинг бошқа тиллардан бой, гўзал, нуфузли эканлигини бошқа тилларни камситмаган ҳолда ўз асарларида исботлаб берди ва ўзбек адабий тилига асос солди. Буни шоирнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида яққол кўриш мумкин.

Шундай туркий сўзлар борки, улар жуда нафосатли ва назокатли маънолар касб этади... Гўзалларнинг қош ва кўз оралиғини бу тилда қабоғ дейдилар. Форсийда бу аъзонинг оти, номи йўқ.

Менгизлари гул-гул,
мижжалари ор,
Қабоғлари кенг-кенг
оғизлари тор.

Гўзал қизларнинг юзидаги холини менг дейилади. «Ёр тавсифи» шеърида бундай келтирилган.

Анингким, ол энгинда
менг яратти,
Бўйи бирла сочини
тенг яратти.

Форсийда бундай холнинг номи йўқ. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улуғ шоиримиз деганларидек: «Туркий тили бир чаманзорки, бу чаманзордан ҳали гуллар терганингиз йўқ».

Ҳа, дўстлар шу чаманзор гулларидан териб, унинг муаттар бўйларидан баҳраманд бўлайлик!

Тилимизни эъзозлайлик, ардоқлайлик. Тилимиз миллий фахримиз, шуҳрату шонимиз.

Венера БИЛОЛОВА,
Мирзаобод туманидаги А.Қодирий номли 16-ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.

Она тилимизга эҳтиром

«Давлат тили ҳақида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича эътиборга лойиқ тадбирлардан бири шу кунларда Навоий вилоятида бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ушбу қонун қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар» мавзуида Республика миқёсида семинар-кенгаш ўз ишини бошлади.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган олимлар, ўқитувчилар иштирок этишмоқда.

— Кўзда тутилган асосий мақсад, бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш бўйича Навоий вилояти ХТБ тажрибаси билан меҳмонлар яқиндан танишиб, вилоятнинг Навоий, Зарафшон шаҳарларидаги ва Қизилтепа, Нурота, Конимех туманларида қозоқ, қорақалпоқ, тожик, рус, туркман мактабларида бўлишади. Ушбу тадбирнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, республикада ўқиш-ўқитиш ишлари 7 тилда олиб борилса, Навоийда 6 тилда олиб борилади. Шунинг учун ҳам тажриба майдони сифатида бизнинг вилоят танланган, — дейди биз билан суҳбатда вилоят ҳокимининг ўринбосари Азамат Хайдаров.

Қисқа қилиб айтганда вилоят мактабларида, «Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим», «Тил ва адабиёт таълими», «Тил қонуни — амалда», «Ўзбек тилида иш юритиш», «Адабий тил» ва «Нутқ маданияти» мавзулари бўйича ўқитиш ишлари жонкуяр зиёлилар иш тажрибаси республикага олиб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўткир ПЎЛАТ,
Навоий вилояти

Ижросиз қарорлар...

ёки яна қарор кутаётган ижролар хусусида

«Ишонч»га ишонсак бўладими?

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилининг учинчиси қонунлар устуворлигига эришишдир. Кейинги йилларда қабул қилинган бир қанча Қонун ва Фармонларда ушбу тамойил ўз аксини топаётир. Ана шулардан бири 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги, иккинчиси эса 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир.

«Ишонч» адвокатлик фирмаси Жиззах вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нодавлат ташкилот сифатида асосий фаолиятини шу йилнинг январь ойидан бошлади. Шу давр мобайнида фирмага мурожаат этган 60 га яқин фуқарога турли хил юридик хизмат кўрсатилди. Жумладан 9 нафар кишига жиноий, 48 кишига эса фуқаролик иши бўйича малакали юридик маслаҳатлар берилди. 5 та ташкилотга шартнома асосида доимий юридик хизмат кўрсатилмоқда. Йил бошидан буён дебитор қарзларини ундириш бўйича вилоят хўжалик судига 9 та иш ўтказилган. Фирма ходимлари ташкилотларнинг ишончли вакилларига айланишмоқда.

Фирма дастлаб аҳолига бепул юридик хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда ҳисоб рақамида нақд ва пул ўтказиш йўли билан тушириган пул маблағлари пайдо бўлди. Фуқароларда адвокатлик фирмасига бўлган ишонч кун сайин ортмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири кўрсатилган юридик хизматдан қониқиш бўлса, иккинчиси ижро бўйича доимий назоратнинг ўрнатилганлигидир. Фирма аъзоларининг иш куни асосан маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ўтади. Ишхонадаги қисқа учрашувлар таҳлил ва фикр алмашиш, эртанги кунни режалаштиришга бағишланади.

«ГАЗ-2410» автомашинаси сотилади

«Ишонч» адвокатлик фирмаси «Бобур» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг 348809 сўмлик дебитор қарзларини ундириш бўйича иш олганди. Иш қайд этиш китобида 1998 йил 16 декабрь кунги 1-сон билан ҳисобда турибди.

Фирмага шартнома тузиш учун келган корхона раҳбари Бурхон Дўстмуродов дебитор қарзининг ҳаммасини фирма фойдасига ўтказишни таклиф қилди. Фақат битта шарти борлигини таъкидлади: «Ишни охиригача етказасизлар, аввалдан тўлаш учун на ҳисоб рақамимда, на ўзимда пул бор».

Биз ажабланиб қолдик. Эмишки, «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 4-ва 33-механизациялашган кўчма жамланмалардан ундириладиган жами 348809 сўмлик дебитор қарзларининг ҳаммасини фирмамиз ҳисоб рақамига ўтказмоқчи. Бу «ҳотамтой» амакининг олдимизга қўйган ҳужжатлар билан лиқ тўла папкасини тезгина варақлаб чиқдик. Турли хил ёзишма хатлар, даъво аризалари нусхалари, таққослаш далолатномалари, юк хатлари нусхалари, банк ҳужжатларидан кўчирмалар, Жиззах вилоят хўжалик судининг ҳал қилувчи қарори, ажримлари, пул тўланганлиги ҳақидаги турли патталар... Ҳамма нарса рисоладагидек.

Хуллас, таклиф этилган юз фоиз фойда ўрнига шартномани ундириладиган сумманинг эллик фоизига имзоладик. Мижозимиз бутун сир-асрори ичида бўлган, сиртида эса маъносиз қуруқ табассум билан чиқиб кетди.

Фирма ўз фаолиятини эндигина бошлаган. Оёққа туриш учун маблағ сув билан ҳаводек зарур. 1999 йил январь ойининг бошида 9-сонли шикоят хати билан Жиззах вилояти хўжалик судининг раиси М. Назаровга мурожаат қилдик. Жиззах вилояти хўжалик судининг 1997 йил 15 июндаги 147-сонли иш бўйича чиқарган ажримига асосан «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 33-МКЖнинг 419672 сўмлик мол-мулки, 1997 йил 30 июлдаги 199-сонли иш бўйича чиқарган ажримга асосан эса шу бирлашмага қарашли 4-МКЖнинг 83137 сўмлик мол-мулки «Бобур» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси фойдасига берилиши керак эди. Ажримлар чиқарилгандан сўнг 33-МКЖ ихтиёрий равишда қарзни қоплаш ҳисобига 154 минг сўм тўлаб берган, қолган қарзи 265672 сўмни ташкил этади. 4-МКЖ эса қарз ҳисобига бирон сўм ҳам тўламади. Мазкур ажримларнинг ижросини таъминлаш вилоят хўжалик судининг ижрочиларига юклатилган бўлса-да, улар томонидан шу кунга қадар даъвогарга жавобгарларнинг мол-мулкини ундириш борасидаги ўзларига юклатилган вазифаларни уддалашмаган ва суднинг ажримлари бажарилмаган.

Бу борада вилоят хўжалик судига саноқсиз қўнғироқлар қилинди, ҳисобсиз ташрифлар буюрилди. Ҳаракатларнинг самараси ўлароқ номаълум сабабларга кўра тўхтатиб қўйилган 147-сонли ва 199-сонли ишлар қайта кўрилди. 1999 йил 25 март кун вилоят хўжалик судининг катта суд ижрочиси С.Эгамбердиев иштирокида даъвогар ва жавобгарларнинг юзма-юз учрашувини ташкил этиб бердик. Нима учундир ижрочи Эгамбердиев суд ажримларининг мол-мулкка қаратилганлигини билгани ҳолда жавобгарларга даъвогарнинг ҳисоб рақамига пул маблағи ўтказиб бериш учун муддат тайинлаб, тушунтириш хатлари олиш билан чекланди. Ўз-ўзидан маълумки, қатъий режимдаги пул маблағидан ташқари даромади бўлмаган ташкилот 1995-1996 йиллардаги қарзларни тўлаш учун маблағни қаердан топсин?..

Биз «Бобур» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Бурхон Дўтмуродовнинг нима учун корхонасига тегишли бўлган дебитор қарзининг юз фоизининг ҳаммасини фирмага бермоқчи бўлганлигини, ифодаси ичида қолган қуруқ табассумнинг сир-асрорини англай бошладик.

Белгиланган муддат тугаб, даъвогар ҳисоб рақамига пул маблағи келиб тушмагач, вилоят хўжалик судини аввалдан огоҳлантирганлигимизга биноан, ижрони таъминлаш борасида шу йил 6 апрелда 16-хат билан Республика Олий хўжалик судига мурожаат этдик.

Тошкентдан Олий хўжалик суди вакили ташриф буюрди. Олий хўжалик суди катта суд ижрочиси Мусурмонқул Худойназаров ишни шундай олиб бордики, ойлаб қидириб юрилган жавобгарлар гўё у кишини кутаётгандек хизмат ўринларида ўтиришар, берилган топшириқларни сўзсиз бажаришарди. М. Худойназаров қонунга биноан ҳаракат қилди.

«Чўлқурилиштаъминот» бирлашмасининг КамАЗ машинаси қарз ҳисобига рўйхатга олиниб, хатланди. Вилоятнинг Даштобод шаҳрида жойлашган 33-МКЖга тегишли бўлган бошлиқнинг хизмат машинаси ҳисобланган «ГАЗ-2410» автомашинаси ҳам рўйхатга олиниб, хатланди ва у хўжалик суди томонидан иш ҳал бўлгунга қадар сақлаб туриш учун даъвогар Бурхон Дўстмуродовга топширилди. Жавобгар-мансабдор шахслардан тушунтириш хатлари олиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 232, 233, 207-моддалари билан яна бир бор таништирилгач, 3 кун муҳлат берилиб, имзо чектирилди.

Ҳурматли ўқувчи сезган бўлса керак «Бобур» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг дебиторлик қарзларини ундириш бўйича қилинган ижро ҳаракатларига сўнгги нуқта қўйилгани йўқ. Аммо бир нарса бизни ажаблантиради. Бундай ноқонуний ҳаракатларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги (1998 йил 4март) Фармонида аниқ ва лўнда қилиб нуқта қўйилган.

Биз юқорида битта ташкилот мисолида дебиторлик қарзлари ва уларнинг қандай ҳал этилаётганлигини Жиззах вилояти хўжалик суди ижро бўлими мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Катта суд ижрочиси Э. Эгамбердиевнинг маълумот беришича, улар юритувида 100 дан ортиқ ижрога тааллуқли ишлар мавжуд. Демак вилоятда камида яна шунча ташкилот дебиторлик қарзлари бўйича бир-бири билан боғланган. Қарзларнинг асосий қисми бир неча йилдан буён тўланмай келаётганлиги аниқ. Энг асосийси, шартномаларга биноан уларнинг қарзлари фоизлар ҳисобига кўпайиб бораётганлигидир. Бу корхоналарнинг нормал фаолият кўрсатишига ўз таъсирини кўрсатибгина қолмай, уларнинг оёқларида кишан бўлиб турибди. Бу кишанларни қирқиб ташлаши лозим бўлган адолат шамширлари кимларнингдир қўлида занглаб қолмаяптимикан?

Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етиши, масъулиятсиз масъул ходимлар томонидан ўз вақтида ҳал этилмаслиги кишиларнинг Қонунлар ва Фармонларга бўлган ишончини сусайтирмайди деб ким кафолат бера олади?

Амир РИЗАЕВ,
«Ишонч» адвокатлик фирмаси бошлиғининг муовини.

Халқ ардоғидаги беғаразлиги сайловлар орқали

Наманган вилояти ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тўлқин Жабборов билан суҳбат

Ҳаёт ва ҳокимият

Энг муҳими йиғим-терим ҳукуматимизнинг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилмоқда. Қолаверса, Оллоҳ ёрлақаб, куз иссиқ келяпти. Бу ҳам юртимизда тўкинчилик ва баракадан далолат.

— Президентимиз «Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга бир хайрли ишга киришдик. Вилоятдаги мавжуд тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бир вақтлари ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлик қилиш фақат орзу ҳисобланган Наманганда бугун пахта толасини қайта ишлайдиган Ўзбекистон-Туркия «Поп-Фен», «Аснамтекстиль», пилла чиқиндисига ихтисослашган Ўзбекистон-Япония «Сильк-Роад», «Косонсой Тек-Мен» каби ўнлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди.

Шахсан Президентимиз ва республика ҳукумати вилоятимиз равнақига доимо ғамхўрлик қилаётганларини алоҳида таъкидламоқчиман. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йили «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» қабул қилган қарори туфайли жуда кўп орзуларимиз рўёбга чиқди. Вилоят маркази ва туманларда, қишлоқ жойларида бежирим қурилишлар, кенг кўламдаги ободончилик ишлари олиб борилди. Наманган шаҳри тамоман янгича қиёфа касб этди. Энг олис қишлоқларимизга табиий газ, тоза ичимлик суви етказиш чораларини кўрмоқдамиз.

Байрам арафасида вилоят бўйича 7 жойда янги касб-ҳунар коллежларини ишга туширдик. Деярли ҳамма туманда биттадан энг замонавий тусда коллежлар, лицейлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Албатта ҳали қиладиган ишлар талайгина. Айрим соҳалардаги ислоҳотларнинг боришидан кўнглимиз тўлмаётгани ҳам рост. Дейлик, вилоятда дебитор, кредитор қарзлар бор. Уларни тугатиш, «Наманган-Учқўрғон» сув узатиш тармоғининг навбатдаги босқичини ишга тушириш, ижтимоий ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига эътиборлироқ муносабатда бўлиш зарур юмушларимиз саналади.

— Икки йилдирки, вилоятда пахта ҳосилдорлиги паст. Пилла, ғалла ва бошқа соҳаларда омад келиб турган бу йилда пахтанинг тақдири нима бўлади?

— Ҳақиқатан ҳам вилоятимизда кейинги икки йилда пахта ҳосилдорлиги камайиб, йиллик режалар бажарилмади. Албатта бунинг сабаблари, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этганмиз ва 1998 йил кузида тегишли чораларни кўрдик. Бу йил қишлоқ хўжалик ходимларининг кайфияти дуруст. Қилинган меҳнатлар турли соҳаларда кўзга ташланди ҳам. Жумладан, пилла тайёрлаш шартномавий режаси 113,8 фоизга адо этилди. 182500 тоннадан ортиқ бошоқли ғалла ҳосили топширилиб, йиллик режа 104 фоизга бажарилди.

Миришкор деҳқонлар ва мутахассисларимиз фикрига кўра бу йил пахта режаси бажарилади. Ҳатто табиий офат сабаб бузиб экилган 46 минг гектар майдондаги ғўзадан ҳам кутилган ҳосилни олиш мумкин бўляпти.

Вилоятда пахта йиғим-терими авжда. Кунига оилавий пудратчилар, бригадалар, хўжаликлар ва туманлардан пешма-пеш зафарномалар олиб турибмиз.

— Тўлқин ака, Боткен воқеалари ҳар биримизни ҳушёрликка ундамоқда. Вилоятнинг катта ҳудуди Қирғизистон давлати билан чегарадош. Бу жойларда вазият қандай?

— Халқимизда «қўшнинг тинч — сен тинч» деган ажойиб ибора бор. Ўзбекистон халқи, хусусан, вилоятимиз аҳли қўшни Қирғизистон халқи билан хурсандчиликда ҳам, оғир синов дамларида ҳам бирга бўлиб келган ва албатта шундай бўлиб қолади. Шу билан бирга муҳтарам Президентимизнинг «Огоҳ бўлинг» деган даъватларига амал қилган ҳолда давлатимиз чегараларини ишончли қўриқлашимиз талаб этилади. Зеро, халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган мустақиллигимизни асрашни ҳам билишимиз керак. Вилоятимиз Қирғизистон билан 365 километр масофада чегарадош. Еттита туманимиздаги чегараларни қўриқлаш юзасидан барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Чегараларда мазкур вазифани бажариш учун етарли куч ва воситалар мавжуд. Бу ҳудудларда ички ишлар ва чегара қўшинлари маҳаллий фаолларимиз билан биргаликда тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳушёр турибдилар. Барча дала ва айланма йўлларга тўсиқ қўйилган. Бундан Қирғизистондан вилоятимизга ўтадиган барча йўллар тўсиб ташланибдида, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Асосий трасса йўллари очиқ ва бу йўллардан халқаро қоидалар асосида белгиланган тартибда ўтиш мумкин. Умуманку, нияти холис одам ҳеч қачон эгри йўллардан юрмайди.

— Катта сиёсий жараён арафасида турибмиз, сайловлар яқинлашмоқда. Сайловларга тайёргарлик, унинг ўтиши, назарингизда қай даражада бўлади?

— Мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб Ўзбекистон демократик, ҳуқуқий жамият сари бормоқда. Демократиянинг асосини белгиловчи омил — сайловлар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон андозаларига монанд қонунлари асосида амалга оширилади. Менимча, ҳар биримизнинг биринчи галдаги бурчимиз амалдаги қонунларга риоя этишдир.

Сайловчиларимизга келсак, энди улар саккиз йил олдинги халқ эмас. Энди халқимиз оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиб олишга қодир ва кимга суянишни ҳам яхши биладиган халқдир.

— Ўтиш жараёнида матбуотнинг ҳаётдаги ўрни ва ролига катта эҳтиёж сезилмоқда. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Матбуот — шундай воситаки, демократик жамият сари интилаётган халқ унга ўзида ҳамиша катта эҳтиёжни сезади. Шу маънода истиқлолнинг оташин тарғиботчиси ва ташвиқотчисига айланган газеталаримиз ва журналлар ўзларига кўпроқ ўқувчи топишларига умидворман. Яна бир гап. Наманганда «Намбум ЛТД» қўшма корхонаси қурилган. Орзуим шуки, тезроқ шу корхонани ишга туширишга олсак, газета қоғози билан боғлиқ муаммолар анчагина енгиллашарди.

Суҳбатдош Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Меҳнатнинг қадри

Хатлар, хатлар, хатлар

Гуруҳбозлик иллати ҳар бир фуқарони ташвишлантириши табиий. Узун туманига қарашли «Хонжиза» жамоа хўжалигида истиқомат қиламан. 84 ёшдаман. Мен 1938 йили ҳарбий хизматга чақирилиб, иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилида қайтиб келдим. 1-гуруҳ ногирониман. 30 йил мактабда ўқитувчилик қилдим. 15 йил хўжаликда ишладим. 1040 (бир минг қирқ) дона олма кўчати экиб, сув танқислиги сабаб, челакда ташиб кўкартирдим. Маҳалла аҳли бунга тасдиқлайди. Давр талаби билан боғларимизни хусусийлаштириш лозим бўлди. Менинг меҳнатим синган 4 гектардан иборат боғни хўжалигимизда яшамайдиган, ишламайдиган, мактаб директори лавозимида ишлаган пайтида ноқонуний ҳаракатлари учун ҳайдалган Муҳаммади Кенжаевга ўхшаганларга бўлиб берилди. Яна энг сара «Кремсон», «Голдан супер» навли олмазорлар уларга берилган. Боғ яратган боғбонлар эса бармоқ сўриб қолаверди. Бу бизни ранжитди.

«Хонжиза» жамоа хўжалиги денгиз сатҳидан 2000-2500 метр баландликда жойлашган, туман марказидан 150 км. узоқликда. 8 минга яқин аҳоли яшайди. Хўжалик боғдорчиликка ихтисослаштирилган. Аҳолининг рўзғори боғлар билан бут. Шундай экан маҳаллий раҳбарлар биринчи навбатда хўжалик аъзоларини ўйлаши керак. Қолаверса, боғлар барпо этишда меҳнати синган кишиларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳуқуқий давлат қуришимизда муҳим омил эканлигини қуйи раҳбарлар унутмасликлари лозим.

Кузги ҳосилни йиғиштириш палласи бошланди. Хўжаликка қарашли олмалар шу жойда яшаётганлар манфаатига эмас, бошқалар манфаатига хизмат қилаётганини ўйласангиз, раҳбар халқпарвар бўлмаса қийин-да, деган ўй ўтади хаёлингиздан.

Тошмурод ҲАЙИТОВ, пенсионер

Терроррчи қўлга олинди

Россия Федерал хавфсизлик хизмати 1998 йилда Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд қилишда иштирок этган халқаро террорчини қўлга олди. Бу ҳақда ушбу хизматнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича маркази бошлиғи Александр Зданович маълум қилди.

А.Здановичнинг таъкидлашича, халқаро террорчи, деб эълон қилинган Грузия фуқароси Нугзар Чухуа махсус операция натижасида қўлга олинган. Тергов чоғида у Грузия Президенти кетаётган автомобиль карвонига ҳужум қилган гуруҳ аъзолари ҳақида кўрсатма берган.

Маълум бўлишича, Н.Чухуа шериги Муртаз Мелания билан суиқасддан сўнг Чеченистон ҳудудига қочиб ўтган.

ДУНЁ ДАРЧАСИ
ЧЕТ ЭЛЛАР ХАБАРЛАРИ
дунё ўзгаришлари
кундолик
воқеалар
шарҳ
таҳлил
сифатга
кроссворд
саҳифа
ҳаёт
ҳаёт
ҳаёт

Инсон хотирасу — азиз

Зоти боваракот

Нечук тавр ила пиримиз эшони Қутбиддин Муҳиддин бетавфиқ мужоддаллавий моддиюнчиликдан имтиҳон «топширганлари» ва фан номзоди бўлганлари баёни

(Давоми)

МИНБАР

Узоқ кутилган кун етиб келди. Бошларидан бу ғаддор дунёнинг минг бир жабру ситамларини кечирган нуроний тадқиқотчи минбар ёнига оёқ учида оҳиста-оҳиста юриб келдилар. Баҳс мавзуи: «Мирза Муҳаммад Маҳдихоннинг «Санглох» асари (тадқиқот, таржима, шарҳ, транскрипция)». Биринчи расмий мутасаддий аллома Алибек Рустамий ишга юқори баҳо берди. Иккинчи оппонент ҳам яхши чиқиш қилди.

РАДДИЯ

Расмий чиқишлардан сўнг, Илмий кенгаш аъзоси, атоқли тилшунос, профессор Айёуб Ғуломий, нечукдир безовталаниб, мош еган бабоқ хўроздай қизариб-бўзарган хунук ҳолатда минбарни эгаллади.

—Бу қанақаси? — деди у олимона алфозда. — «Санглох»ни неча марта ёқлаш мумкин? Тўрт йил илгари худди шу мавзу номзодлик диссертацияси қилиб ёқланган эди. Шу ишга ҳозирги муҳтарам оппонентимиз Алибек Рустамов илмий раҳбарлик қилган. Тўғрими, Алибек?.. Ҳа, баракалла. Мен Айёуб Ғулом, ўша ишга расмий оппонент бўлиб чиққанман. Тўғрими, профессор Айёуб Ғуломов? Тўғри! Яна нима дейин? Хулоса: параллелизм, яъни бақамтийлик, такрорийлик содир бўлибди. Бу ВАК инструкциясига тамоман хилоф. Ҳимояни ҳозироқ бекор қилиш керак.Вассалом. Мен қаршиман.

Ортиқча мулозаматга ўрин қолмаганди. Илмий маросим барбод бўлди ҳисоб. Ҳаммаёқ баайни Шимолий муз океанидай ҳувиллаб кетди. Наинки ўн беш йил, бутун умр маҳсули бўлган салмоқдор тадқиқот беш дақиқада таг-туги билан йўққа чиқди-кўйди. Одамлар тарқаб кетишга майл билдириб, тараддудлана бошлади...

Озод

...Бир пайт хўб иш бўлди. Қарасам: минбарда... Ким деб ўйлайсиз? Озод Шарафиддин!

— Биродари азизлар, — деди у ўсмоқчилаб. — Буёғи жа-а қизиқ бўлди-ю. Пайғамбар ёшини хатм қилган қиблагоҳ Қутбиддин домла (бул зоти шарифни бутун республика, нафақат Ўзбекистон... танийди), шунча ҳафсала қилиб, «Санглох» луғатининг грамматикага оид қисмларини забони форсийдан ўзбекчага ўгирибдилар. Луғавий таркибию, сарфу наҳвини чиройли таҳлил қилибдилар. Асарни навоийшуносликка дахлдор бўлган бир талай манбалар билан қиёсга келтирибдилар. Маълумингизким, мазкур луғатда мавлоно Лутфий, Бобур, Фузулий, Ҳусайн Мирзо, Саъдиддин Сафойи Румийлардан ташқари, Навоий бобомизнинг йигирмата асаридан намуналар келтирилган. «Санглох» саккиз мингга яқин сўзни қамрайди. Қутбиддин домланинг диссертациясида Фазлуллоҳ, Фатҳ Алихон Қожар, Шайх Сулаймон Бухорий, Муҳаммад Ризо Хоксор ва бошқа улуғ зотларнинг луғатларидан ҳам маълумотлар берилган.

Бундай табаррук, заҳматкаш илмий кашшоф шаънига таҳсин айтиш ўрнига, таъна тошларини отиб, маломат қилиб ўтирамизми? Қайси мазҳабда бор бундай ноинсофлик? Бунингдайин азамат иш, айтинглар-чи, қайси профессорнинг қўлидан келади? (Шу ерга гап қадалиб келганда, ака Озодий саросимага тушиб қолган Айёуб Ғуломга тагзаминдан ўгирилиб қаради. Войдод!..) бир мусулмонга зулм эмасми бу?

Мен, азбаройи Худо, тушунмайман. Ёши бир жойга борган мўйсафид оғамизга шу ишнинг асти нима кераги бор эди?! Ахир, бундай залворли меҳнат ҳар қандай ялангтўшни ҳам «ҳасти-нести» қилиб қўяди. Ҳаваски, фан кандидоти бўлойин, дебдилар-да. Э бунинг учун сизу биз, илм аҳли, фузало жаноби муаллифдан тоабад миннатдор бўлишимиз керак, менимча. Иҳ, бунинг ўрнига... (Нотиқ ўсал бўлганидан ёрилай деб турган Айёуб Ғуломга яна бир ғалати қараш қилди.)

Аслида, деди у яранинг устига туз сепгандай, васиқапараст номзодваччаларнмас, манман деган юғон фан арбоблари, катта олиму уламолар, Академиянинг мухбир аъзолари.(илмий раҳбар профессор Эргаш Фозилийга шама) отаҳоннинг илмини ўзлаштириб, дуосини ва бошқа «улбул» нарсаларини олиб, қўлларига сув қуйиб юришибди. Буни ким билмайди! Эсиз...

Мен, нима десанглар денглару, махсус тадқиқот нари турсин, бой, кўҳна мумтоз адабиётимизни бизга танитгани, парда қоплаган, ғилай кўзларимизни очгани, Алишер Навоий асарларининг кўп жилдлик изоҳли луғатини тузиш йўлидаги улкан хизматлари учун, ҳеч қандай диссертациясиз, мавлоно Қутбиддин Муҳиддин валиюллоҳга филология фанлари номзоди илмий даражасини аллақачон шундоғам бериш керак эди, деб ҳисоблайман.

... Ҳайҳотдай ҳимоягоҳ бирдан ҳушёр тортиб, жимиб қолди. Муздай сув бурқсиб турган ёввойи алангани «пуф» деб ўчирди. Йўқ, ўчирмади. Ҳали «пича» бор эди. Вазият тўқсон фоиз доно қариянинг фойдасига ўзгарди. Ўзгаришга ўзгарди, андак «чаласи» қолган эди, домлайи киромнинг ўзлари бутладилар.

МУШОҲАДА

Шу аснода ҳимоячига сўнгги сўзни беришди. «Ўҳ, ана энди мулло амак шаддод «пирафисур»ни боплаб таъзирини берадиган бўлди. Ҳали у вақтларда баданимдан ёшлик шавқи кетмаган. Ажаб бўпти, дедим. Ана энди унга «Санглох» нима эканини боплаб «тушунтириб» қўядилар, дея кафтларимни ишқалаб турдим. Гавжум хонадан тавбасига таянган Айёуб акани ҳолсизланиб, шармандаи шармисор бўлиб, эмаклаб чиқиб кетаётган ношуд «боксёр» қиёфасида тасаввурга келтирдим...

ОДОБ

Чучварани хом санаган эканман. Ҳечам ундай бўлмади.

Такаббур олимнинг (мафкурасида айниган «сўллик» бор эди раҳматликнинг) даҳшатли айбномасига қарши устоз раддия билдирмадилар. Ҳеч қандай илмий далил-палил ҳам келтирмадилар. Айтган бор-йўқ гаплари шу:

— Хай, ман ўша ишни кўрганман, ахий. Муаллиф ўзи яхши бача...

Шундай дедилару, нуроний отаҳонларга хос нечукдир дилгир, майин истеҳзоли жилмайиб, сийраккина, қордай оппоқ чўққи соқолларининг учини сийпалаган бўлдилар ва... қўшиб қўйдилар:

— Манга, акун, ул бачани танқид қилиш тўғри кемайду.

Шу пайт олдинги қаторда ўтирган худораҳмати Музаффана Алавия фавқулодда ҳаяжонланиб кетдилар:

— Ў—ў!..

Мўйсафиднинг ўз ҳарир соқолига маъноли ишорасию, бир оғиз луқмаси, опаҳоннинг «Ў!..»си билан масала узил-кесил ҳал бўлди-қўйди. Одамлар енгил тортди. Олам гулистон. Ажабо! Энг ақлли, энг бийрон акс-садо — Сукут экан-да, деб ўйладим мен.

Сўзамоллик касод бўлди. Мадраса кўрган мударрис олим, бир дона ўқ узмай туриб, бадният сардор, фан докторини тор-мор қилган, уни тилидан илинтириб, тириклай асир олган эдилар.

Айёуб Ғуломовичнинг қўлидан келгани шу бўлдики, чин олимга хос тантилик билан мағлубиятига ошкора, дангал иқрор бўлиш ўрнига, ўзлари бузган ҳавони янада қўлансалатиб, ёпиқ-яширин овоз бериш чоғида зимдан бир дона «қора шар»ни думалатдилару, шаталоқ отиб қочиб қолдилар...

ТАЗАРРУ

Эски Жўва ресторанида катта зиёфат берилди. Зоти бобаракот иштирок этмадилар. Хонанишинликни, сукунатни, пинакни, ўзлари билан ёлғиз қолишликни эп кўрдилар. Ўзинг билан ўзинг «суҳбат» қуришдан роҳат-фароғат йўқ кишига ёши бир жойга борганда. Бу ҳолатни тўпори одамга «тушунтириб» бўлмайди.

... Биринчи бўлиб алломайи Алибек Рустамий сўз қотдилар.

— Бир иблиси лаъин ҳамманинг дилига ғулғула солиб, сал қолди тавқи лаънатни бўйнимизга илишимизга. Мен гумроҳ ҳам тузоққа илинишимга бир бахъя қолди. Илтимос, жаноби эшонга етказинглар: каминани афв этсинлар.

Ҳимоя чиройли якунланди. Узоқ йиллик ҳалол меҳнат, умр мақсули мукофотланди. Бироқ кўнгилнинг бурчак-бурчакларида жиндай ғашлик, озгина иштибоҳ чўкиб қолгандай бўлди. Бу ерда жамоани чалғитишга уринган ўша шахс диссертация, ҳужжатлар Масковга юборилганда янгидан сувни лойқолмасмикан? Юз тоату ибодат бир пул бўлиб қолмасмикан? Эшон-пешонинг билан ул нобакорларнинг нима иши бор. Қайтангга баттар жазаваси қайнаб кетмайдими? Кўринг, ҳавас қилинг. Мана Ўзбекистонда марксча-ленинча таълимот, илғор материалистик дунёқарашнинг аҳволи!.. деб бонг уриб юборишмайдими? Атеистик тарбия ниҳоятда бўшашиб кетган. Ҳатто диндорлар, ўтмиши қоронғи миллатчилар, хурофотчилар ўзини илмга ураяпти. Ҳой ҳафтафаҳм анқовлар! Қаёққа қараяпсанлар? деб айюҳаннос солишса-я. Фаромуш бўлмасин: 1999 эмас, 1971 йил воқелиги ҳақида гап боряпти.

КАЛОМУЛЛО

Ундай бўлмади. Худо ҳофиз.

Солим ақлни калака қилаётганлар, ўзлигидан воз кечиб юборганлар, миллатфурушлар, «ультраинтернационалист» муртадлар «лингвист» (тилшунос, олимлар, орасида ҳам жуда кўп эди.

Хайрият, Қутбиддин домла бу гал, раббоний тавр ила сувдан қуруқ чиқдилар. Инсоф юзасидан қайд этмоқ даркор ўхшайди. Кўп кўргилликларни кўрган, ўзи ҳам бир талай ғавғою маломатлар кўзғаб юрган илмий раҳбар, тиниб-тинчимас, шоввоз Эргаш Фозилий ҳам сидқан-анча жон қойитди. Ғайратшижоат кўрсатди. Нияти ўзига ҳамроҳ ва сафоли бўлгай.

... Иттифоқо, қандайдир юмуш билан Академиянинг Тил ва адабиёт институтига «юқоридан» сариқ тўриқдан келган бир киши пайдо бўлган. Олимларга илтижо қилиб, Қуръони мажиддан икки-уч оятни ўрисчага таржима қилиб беришни сўраган.

— Қуръон дейсизми? Соғлигингиз дурустми? Ҳазиллашмаяпсизми? Қандай чивин чақди Сизни? Ё устимиздан бирон маълумот тушдими?

— Нега керак бунчалик эҳтирос, азизлар? Меники пойтахт Масковда ишлайди. Мен бегона одам йўқ. Ёмон гап керак эмас... — дебди меҳмон ўзи ҳадик олиб.

— Бу ишни биронтамиз ухдалаймиз, «ўрток» меҳмон, — деб айтишган илмий ходимлар. — Гарчи меҳмон атойи Худо бўлса-да... Каломуллони ўқиш қўлимиздан келмайди. Араб тилини билмаймиз.

— Ундай гап керак йок. Урусча якши гапирасиз, а? Ҳиҳ, нимайди. «Чугур-чугур» итасиз, а?

— Рус тили — иккинчи она тилимиз, — дейишибди ялтоқланиб. — Араб, форс тиллари эса бизга ёт.

— Якши йок. Ана тиль битта. Ики, уч, торт... ана тиль йок. Тюрьки тилльяр мин учун ана тиль йок. Мин урганиб ятамин. Араб, фарси тилльярни-да урганамин. Лякин Коран не по зубам, а? Тишь утмайди.

Шу пайт биров ногаҳон эслаб қолибди:

— Айтгандай, тил тарихи шўъбасида-чи, Эргаш Фозиловда бир қария борлар. Қутбиддин бобо. Ўша киши, ажабмас, арабчани бир нав билсалар...

ТОҒ

Суриштиришса, ўринларида мутолаа қилиб ўтирган эканлар.

— Салям алейкум, таксир, — дебди меҳмон шарқона тавозе билан. — Синики, ах, Сизники аз-маз араб тиль биляди?

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳ. Ҳа, оз-моз билади, . дебдилар Бобо кулимсираб. — Қандай хизмат бор?

— Корандан аят урусча тильга тарджума итеш лязум.

— Ҳа-а. Тафсир қилиш керак экан-да?

— О! Тафсир, тарджума йок.

— Қани, кўрайлик. Хў-ўш, бу 27-сурадан. «Намл». (Арабча аслиятни ёддан айтгач), ёзинг каби англатган эса-да, майнинг илоҳий-инсоний, лисоний-бадиий, шоирона, фалсафий жилолари дилларни, кўнгилларни ўзига ром этган. Майи ноб, майи асфар, майи вахдат, майи лаъл, майи муғона, майи азалий, майи аҳмар, майи васл, майи гулфом, майи таҳқиқ... Инсоннинг Оллоҳ висолига мушарраф бўлиш, кўнгил мулкини жилолантириш, дилни иймон билан безаш ҳақидаги орзу-умидларини нозик ифода этишда, тасаввуф тимсолларини жонлантиришда мумтоз адабиётимизда бу сингари юзлаб калималарнинг салмоғи баланд.

ХАСАНОТ

Мавлоно Қутбиддин домла нондай азиз миллий жавҳар, шарқона ўзлик ва қадриятлар, ахлоқ-одобни сақлаб қолиш бобида нажот мумтоз адабиётимизни асл, соф ҳолда ўрганишда, деб билдилар. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ижодини чуқур, мукаммал билишга тинмай даъват этдилар. Биз қанчалик Навоий даҳосига яқинлашиб борсак, Навоий маънавияти бизга шунчалик яқинлашади... Ана шу қутлуғ муддаони амалга ошириш йўлида охирги нафасларигача ҳормай-толмай меҳнат қилдилар. Бу азиз, шарафли номга таъзим ва ҳасанот.

Ғайбуллаҳ ас-САЛОМ

ний, дебдилар ва ўрисчага айнан тафсир қилибдилар:

— 88-оят. «Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам бойни булутлар юргандек юрарлар. Бу барча нарсани пухта қилган зот: Оллоҳнинг иши эрур...»

— О!..

— Буниси 29-сура. «Анкабут»дан. Ҳим, ёзинг, бачам, дебдилар:

— 46-оят. «(Эй, мўъминлар), сизлар китоб аҳли билан интиҳойи чиройли йўсинда баҳс-мунозара қилингиз, илло улар ичидаги зулм ҳамда зўравонлик қилган кимсалар билангина кескин муомала қилишингиз мумкин. Айтингизким: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз...»

— ... Сикен-сикен тафсирлянг, атес. Ульгирмийм.

— Жадалланг... Вақт танг... Шошиб турибман.

Чунончи: «... Бизларнинг Илоҳимиз ҳам, сизларнинг Илоҳингиз ҳам айни бир (Илоҳ)дир. Бизлар Унгагина бўйсунгувчимиз».

— О!.. Чох якши!!

— Бу ҳам «Анкабут» сурасининг 69-оятидан олинибди. Ёзинг: «...Оллоҳ чиройли амал қилгувчи зотлар билан бирга».

(Боши ўтган сонда)

Қувонганидан, меҳмоннинг кўзларидан ёш тирқираб оқа бошлайди...

— «Вал-аср» сураси: «1-2-оятлар. Аср вақтига қасамки, инсон зоти зиён-бахтсизликда воқе бўлур».

«3-оят. Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлини кўрсатган ва бир-бирларига Ҳақ йўлида сабр-бардош қилишни тавсия этган зотларгина нажот топкувчилардир».

Бўлди.

МАВЛАВИЙ

Меҳмон-профессор, кейинчалик ошкор бўлишича, таниқли туркшунос олим ногаҳонда осмондан тушиб келган Идрис алайҳис-саломни учратиб қолгандай, ҳайратга тушади.

— Айтинг, аксакал, мин гаплашиб турамен ким билан?

Мавлавий жаноблари бўлса, худди бирон «айб» иш қилиб қўйгансимон, хиёл қизариб, ерга қараб дилар. Ҳозир бўлганлардан бири таништиради:

— Бул зоти шариф Қутбиддин Муҳиддинов бўладилар. Айтгандай, якинда номзодлик диссертациясини ёқлаганлар.

— О! Қай вакытда?

— Уч ой бурун.

— ВАКдан тасдийг кильган?

— Йўқ.

— А-ҳа. Тема кандай? (Домлага у савол назари ташлайди).

— «Мирзо Муҳаммад Маҳдихон. «Санглох» (тадқиқот, шарҳ, таржима, транскрипция)».

— О. «Санглох»?!

Орадан роса бир ҳафта ўтиб, устози калон номларига тезкор фототелеграмма келади: «Сизники диссертация тас-дик бол-ды. Катта рахмат. Сизнинг адам — «Фалончи».

ҚАЙЛУЛА

Алишер Навоий асарларининг бир жилд ҳамда тўрт томдан иборат луғатларини мутолаа қилган қиши амин бўладики, бу биз учун бебаҳо хазина. Уларни варақлаб, миллатимизнинг тафаккури ва руҳий ҳолатида асрлар давомида рўй берган ижобий-салбий ўзгаришлар, яхши-ёмон ишларни кузатасиз. Ҳозирги мағзи тўқ сўзлар, айниқса истилоҳот (терминология) тақчиллиги шароитида мазкур луғатлар биз учун ноёб манбадир.

«Қайлула» нима эканини ҳозир ҳеч ким билмайди. Бу чошгоҳ маҳалидаги уйқу дегани. Бундай тушунча бизда йўқ, деб ҳисоблаймиз. Уялмай-нетмай. Натижада дарҳол ўрис тилига мурожаат қилиб, «тихий час» ёки ҳатто «мертвый час»ни ҳар хил мақомда ўгиришга тутинамиз... Билмаслик, ўзимизда тарихан мавжуд нарсалардан ғофиллик гўё бизга шараф келтиради... Бундай калималарни юзлаб келтириш мумкин.

«Май» деганда ҳозир бизнинг авлод мусаллас, винони тушунади, холос. Гарчи Навоий бобомиз замонларида ҳам бу бода, шароб маъноларида кайф берувчи ичимлиги ҳақида гап борлиги ҳеч ким ёдидан чиқмаган эди. Ҳозирги ёшлар ичкилик ичишнинг ҳеч ким ёдидан чиқмаган эди. Ҳозирги ёшлар ичкилик ичишнинг ҳеч ким ёдидан чиқмаган эди. Ҳозирги ёшлар ичкилик ичишнинг

«Балиқчи»га хос тўплар

Андижон вилоятининг Балиқчи тумани футбол жамоаси бу йил муҳлисларни мамнун этди. «Балиқчи» жамоаси футболчилари мустақиллик йилларида ҳар жиҳатдан назарга тушдилар. Айниқса, Андижон ва Ўш вилоятлари ўртасида анъанавий равишда ўтказилиб келинадиган «Дўстлик» кубогини қўлга киритишлари эътиборга лойиқ бўлди. Жамоа бу йил Ўзбекистон миллий чемпионатининг иккинчи лигасида ҳужумкор ўйин кўрсатди. Чемпионатнинг биринчи даврасидаёқ рақиблари дарвозасини 80 марта ишғол этдилар. Бу ютуқда ишқибозларга маъқул келиб қолган Ш. Муҳитдинов, Б. Каримов, Х. Абобакиров каби ўйинчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. «Балиқчи» футболчиларининг бирдан-бир орзуси биринчи лига футболчилари сафида тўп суриш.

Шахматчиларимиз ғалабаси

Хитойнинг Шеньян шаҳрида шахмат бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Мусобақалар швейцарча усулда ташкил этилиб, тўққиз тур учрашувларидан иборат бўлди. Мусобақада иштирок этган мамлакатимиз шахматчилари бу сафар кўтаринки руҳда дона суриб, ажойиб ғалабага эришдилар. Улар учрашувларни олтита ғалаба иккита дуранг, битта мағлубият билан якунлашди. Маълумки, спортчиларимиз 1993 йил бундай нуфузли мусобақада иккинчи бўлишган бўлса, 1995 йили бронза медали билан қаноатланган эдилар. Мана ниҳоят, орзулари ушалди — Осиёда энг кучли жамоа эканликларини намойиш эта олдилар. Гроссмейстерлардан Александр Ненашев, Сайдали Юлдошев, Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаев, Дмитрий Қаюмовлар Осиё чемпиони бўлишди. Муҳими, шахматчиларимиз келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шаҳобиддин ЗАЙНУТДИНОВ

Омадингиз келса — АҚШга сафар

«Colgate—Palmolive» компаниясининг «Palmolive Natural» хушбўй дезодарантлари ўзбек истеъмолчиларига, айниқса аёлларга жуда манзур бўлди. Компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси ўзбек истеъмолчиларини рағбатлантириш мақсадида лотерея ўтказди, унда бир неча минг киши қатнашди. Лотерея билетлари сифатида улар харид этган дезодарантлар қутилари қопқоқларини тақдим этишганди. Ниҳоят қизиқарли лотерея ғолиблари компьютер орқали аниқланди. «Palmolive» ёдгорлик жамланмаси, «Polaroid» фотоаппаратлари, учта «DAEWOO» мусиқа маркази, иккита «Samsung» телевизори, битта «Sony» видеокамераси ва «Tico» автомобили лотерея ютуқларини ташкил этганди.

Пойтахтлик уй бекаси Анна Кисиль, хусусий бинокорлик фирмаси ходими Дилшод Алимуҳамедовларга телевизор, Молия вазирлиги ходими Асал Қориева ва эса мусиқа маркази соҳиби бўлишди. Ҳозир «Colgate Total» тиш пастаси истеъмолчилари учун ҳам лотерея ўтказилмоқда. Омад келса, унда АҚШга янги йил байрамини ўтказиш учун икки кишилик сайёҳлик йўлланмасини ютиш мумкин.



Суратда:«Colgate—Palmolive» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси маркетинг бўйича менежери Петр Болотов Асал Қориевани ютуқ билан қутламоқда.

Мунира АЗИМОВА

Тажриба алмашилди

Глаукома — хавфли кўз касалликларидан бири ҳисобланади. Жаҳонда кўзи ожизларнинг 15 фоизи шу касаллик оқибатида кўз нуридан ажралиши кузатилмоқда. Бу касаллик белгилари яққол кўзга ташланмаслиги сабабли беморлар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмайдилар. Касалликни ўтказиб юборадилар.

Тошкентда бўлиб ўтган офтальмологларнинг халқаро симпозиумида ҳудди шу масала — кўз аллергия касалликлари ҳамда энг кўп тарқалган ва хавфли глаукома касаллигини даволашнинг долзарб муаммоларига бағишланди. Бу борадаги амалий ишлардан бири Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Финляндиядаги офтальмология корхонаси — «Santen OY» япон фирмасининг бўлинмаси ташкил этганидир.

Тошкент симпозиуми мамлакатимиз, Россия ва Финляндиянинг етакчи шифокорлари тажриба алмашишига кўмаклашади ҳамда кўз касалликларини даволашнинг самарали ва замонавий усулларини излашда, янги тиббий дори-дармонларни қўлланишда ёрдам беради.

Анжуман иштирокчилари кўз касалликларини даволаш учун Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатга олинган янги дори-дармонлар билан танишдилар.

Нодир ХОЛМАХМАТОВ,
талаба.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

«Ўзбек тили» ўйланмаси

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. «Она тилим» шеъри муаллифи, Ўзбекистон халқ шоири. 2. Ўзининг «Девони ҳикмат» асари билан тилимиз ривожига ҳисса қўшган шоир, Туркистон пири. 3. Ўзбек тилшунослиги фанида номшунослик соҳасида илмий фаолият кўрсатган олим. 4. Милоддан аввалги биринчи минг йиллик даврида қадимги сом ёзуви асосида юзага келиб қўлланилган ёзув. 5. Ўзбек тилшуноси, фан арбоби, луғатлар нашри муаллифи. 6. Арузда рубоий вазнининг яна бир номи. 7. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси. 8. Ўзбек тилига хос лаҳжалардан бири. 9. Адабий тилимизга ўз асарлари билан ҳисса қўшган маърифатпарвар шоир. 10. Бадиий ижод ва тилшунослик дарғаларидан — Ойбекнинг «Навоий» романи қаҳрамонларидан бири. 11. Йирик назмий асар. 12. Ўзбек тилшунос олимларидан бири. 13. Тилдаги ёзувнинг маълум тартибда жойлашган ҳарфлари мажмуи. 14. Ўзбек мумтоз шоири, олими, темурийзода ҳукмдор томонидан араб ёзуви туркий тил ифодаси учун мослаштирилган ҳолда нозик ва ингичка бир шаклда ёзилиб шуҳрат қозонган манба номидан: «Хатти...». 15. Бадиий ижод ва тил ҳақида: «Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асл ёзувчилик айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баравар англата билишда, орага англашмовчилик солмасликдадир» — сўзлари муаллифи атоқли устоз ўзбек адиби. 16. Ўзбек луғатшунослиги соҳасига муҳим ҳисса қўшган олимлардан бири.

Муаммонома

Аввало қуйида таърифланиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Китобат санъати ривожига улкан ҳисса қўшган устоз ҳаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилиб китоб ҳолига келтирган шоир, темурийзода — 15, 13, 16, 18, 2, 8, 13.

2. Сўзларни тўғри ёзишга оид қоидалар мажмуи — 9, 1, 4, 13.

3. Амалдаги сўзлашув жараёнидаги тил 7, 5, 3, 18.

4. Бирор гап ёки асарнинг умумий маъноси — 1, 2, 11, 1, 5, 7.

5. Асарда воқеаларнинг ҳал бўлиши — 14, 12, 9, 1.

6. Маълум фаолият бўйича хулоса, натижа — 17, 6, 5, 7.

7. Мустақиллик йилларида тилимиз топган эътибор — 18, 2, 10, 8.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич жавобларидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Ундан йўналиш бўйича ўқиш билан ўзбек тили ривожининг юксалишига муҳим ҳисса қўшган мумтоз мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Лисон-ут тайр» асаридаги икки мисра ибратли сўзларни билиб оласиз.

Тузувчи: *Фозилжон ОРИПОВ*

«Мураббий» ўйланмаси жавоблари

Ёйлар бўйича марказ томон: 1. Муаллим. 2. Довот. 3. Лицей. 4.Фаробий. 5. Нотилий. 6. Гомер. 7. Исбот. 8.Тантана. 9. Дарслик. 10. Аттор. 11. Ахлоқ. 12. Пифагор. 13. Мирхонд. 14. Савод. 15. Сифат. 16. Мадраса. 17. Каримов (Убайдулла). 18. Эртак. 19. Идрок. 20. Радикал.21. Ҳандаса. 22. Китоб. 23. Қоғоз. 24. Қадрият. 25. Табобат. 26. Арбоб. 27. Атлас. 28. Ражабий. 29. «Хафтияк». 30. Матал. 31. Илҳом. 32. Бухорий.

Муаммонома: Очқич сўзлар 1. Дарс. 2. Кимё. 3. Зеҳн. 4. Гамма. 5. Қадр. 6. Отин. 7. Шуур.

Ҳикмат: ***Устознинг марҳамати-қуёшдек ҳаммага тенг.***

«Аралаш» ўйланмаси жавоблари

Ёйлар бўйича: 1. Нишотий. 2. Битим. 3. Гилам. 4. Соатсоз. 9. Чиғаноқ. 10. Ғазлама. 13. Бинафша. 14. Диаметр. 15. Номоз. 16. Ямбол. 17. Фасад. 19. Лавлаги. 22. Зиғир. 23. Димлама. 25. Йилнома. 26. Игрек. 27. Уммон. 28. Планшет.

Энига: 5. Кийик. 6. Симоб. 29. Ампер. 30. Гомер.

Бўйига: 7. Чинор. 12. Бодом. 18. Калий. 24. Пилла.

Диагонал бўйича: 8. Огаҳий. 11. Талқин. 20. Эшелон. 21. Этилен.

Муаммонома: Очқич сўзлар:1. Йил. 2. Мот. 3. Сув. 4. Туз. 5. Куч. 6. Ақл. 7. Ер.

Ҳикмат: ***Мулойимлик-ризқ сари етакловчи калит!***



«Ўзавтолицензия» томонидан 1996 йил 8 октябрда Фарғона шаҳридаги улгуржи биржа савдонинг автотранспорт корхонаси акционерлик жамиятига берилган АТ №0054904, 0054969, 0054971, 0054972, 0054975, 0054976, 0054978, 0054985, 0054987, 0054996, АТ № 0054924, 0054928, 0054930, 0054931, 0059434, 0054935, 0054937, 0054944, 0054946, 0054952, АТ № 0054911, 0054913 серияли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Фаррух ҲАМРОЕВ,*
навбатчи *Кўчқор НОРҚОБИЛ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА